

ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ  
МАТЕМАТИКА ВА ИНФОРМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Тошкент вилояти Чирчик  
давлат педагогика институти  
ректори Е.И.Мухамедов

“05 07 2021й.



**КЕЛИШИЛДИ**

Математика ва  
информатика факультети  
декани А.Р.Кутлумуратов

“05 07 2021й.



**“IT PARK”  
ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ МАРАЗИ  
ТҮҒРИСИДА**

**НИЗОМ**

Чирчик 2021

## **“IT park ”**

### **Илмий тадқикот маркази тўғрисида**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июнъ куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида олий таълимдаги устувор вазифалар муҳокамаси бўйича видеоселектор йигилишида белгиланган вазифаларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика института (кейинги уринларда институт деб юритилади) “IT park” илмий тадқикот маркази (кейинги уринларда марказ деб юритилади) мақсадлари, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, ташкилий асосларини белгилаб беради.

#### **I. УМУМИЙ КОИДАЛАР**

- 1.1. Марказ институтнинг илмий-инновацион ва ўқув тадқиқотлари билан шуғулланадиган бўлинмаси хисобланади.
- 1.2. Марказ институт рахбариятига буйсунади.
- 1.3. Марказ ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти қарор ва буйрукларига, Марказ Низоми ҳамда бошқа норматив хужжатларга амал қиласи.
- 1.4. Марказнинг манзили: Тошкент вилояти, Чирчик шаҳри, А.Темур кўчаси 104-уй.

#### **II. МАРКАЗНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

- 2.1. Марказнинг асосий мақсади - олий таълим ва умумий ўрта таълим тизими математика ва информатика фани ўқитувчилари ва ўқувчиларини, фанлар бўйича методик ҳамда илмий-тадқикот фаолиятига тизимли асосда йўналтириш, мавжуд илмий мактаблар анъаналарини давом эттириш ҳамда янги илмий мактабларни шакллантиришга замин яратиш, фан ўқитувчилари ва касбий ва ижтимоий-

маиший миқёсдаги илмий-ижодий фаолиятини қўллаб-куватлаш, фан, таълим ва олий таълим ва умумий ўрта таълим тизими интеграциясини изчили ривожлантириш асосида илмий тадқикотлар билан мунтазам шуғулланувчи ёшларни бирлаштириш, кафедралар профессор-ўқитувчилари, математика ва ахборот технологиялари соҳасининг таълим муассасалари ва бошқарув тизми раҳбарияти, тажрибали мутахассислари томонидан уларнинг мутахассисликлари ва соҳаларга оид қизикишларини қўллаб-кўватлаш - шу тарзда юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг барқарор ривожланишини таъминлашга кўмаклашишдан иборат. Умумтаълим мактаблари, кафедралар профессор-ўқитувчилари, фанлар бўйича соҳани йирик халқ таълими тизими ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари маслаҳатлари ва кўмагида мамлакат таълим тизми учун долзарб, миллий иктисадиётимизнинг барқарор ривожланишига, хапкимиз маънавияти ва маданиятининг юксалишига кўмаклашувчи фундаментал, амалий ва инивацион йуналишлардаги илмий фаолиятга жалб килиш.

Марказ умумтаълим мактаблари ходимлари ва факультет профессор-ўқитувчилари фаолияти оркали илм-фаннынг устувор йуналишлар буйича илмий тадқиқот ишларини ташкил қилиш ва олиб боришда устоз-шогирд тизимини шакллантириш.

2.4. Республика IT park ҳамда бошка илмий-тиббий марказлар билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ёш олимларнинг ижодий фаоллигини кучайтириш, илмий анжуманлар, семинарлар ўтказишга кўмаклашиш.

2.5. Марказ ходимлари тадқиқот иши натижаларини умумлаштириш ва унинг янги шаклларини излаш, умумтаълим муассасалари ва олий таълим тизимидағи таълиммуасссаларига тадбик этишда барча имкониятларни ишга солган холда ташаббускорлик кўрсатиш.

2.6. Республика ва халкаро илмий анжуманларда иштирок этиш учун ёш олимларнинг илмий сафарларини режалаштириш ва хар томонлама ёрдам кўрсатиш.

2.7. Марказ ходимларининг етакчи илмий марказлар ва ОТМлардаги хорижий хамкаслари билан ўрнатилган тартибда фаол халкаро хамкорлигини ташкил этиш, хорижий давлатларнинг нуфузли илмий-тиббий марказ ва муассасалари билан илмий ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ҳамкорликда илмий тадқикотлар олиб бориш, анжуманлар, семинарлар ва бошка илмий-тиббий тадбирларда иштирок этишга, хорижий мамлакатларнинг илмий журналларида маколалар эълон қилишга кўмаклашиш.

2.8. Марказ илмий ишлари натижаларини институт профессор-укитувчилари, математика ва ахборот технологиялари соҳасининг таълим тизими ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари томонидан мунтазам мухокама этиш, давлат грантлари, хорижий мамлакатлар грантлари ва хужалик шартномаларида ёш олимлар иштирокини таъминлаш, энг яхши ва Республика учун устувор хисобланган илмий тадқикот натижаларини ва журналларида нашр этиш ва оммалаштиришга кўмаклашиш.

2.9. Ўз фаолияти давомида юқори натижаларга эришган ёш олимларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар бериш.

2.10. Ёш олимларнинг фаолиятини куллаб-куватловчи грант ажратувчи ташкилотлар тугрисида маълумотлар йигиш ваулар хакида ёш изланувчиларни хабардор килиш.

### **III. МАРКАЗНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ**

3.1. Марказнинг таркиби профессор-укитувчилари, умумтаълим тизими ходимлари соҳасининг йирик ташкилотларининг раҳбарияти, тажрибали мутахассислари ҳамда катта илмий ходим-изланувчилар, мустақил изланувчилар, иқтидорли талабалардан иборат бўлиб, институт ректори ва факультет декани буйруқлари билан тасдиқланади.

3.2. Марказ раҳбари ва котиби олий таълим муассасаларидағи кафедра профессор-ўқитувчиларидан иборат аъзолар, жамоатчилик асосида Марказ йиғилишида 2 йилгача муддатга сайланади.

3.3. Марказ хар ойда бир марта йигилади.

3.4. Марказ йигилишлари орасидаги даврда унинг фаолияг йуналишига дойр тезкор масалаларни Марказ котибияти (факультет ирофессорлари, администратор, унинг муовини ва котибдан ташкил топган таркибда) ҳал қиласи.

3.5. Марказ администратор:

- Марказнинг расмий вакили ҳисобланади, ўзининг ваколати доирасида Марказнинг барча ишларини ташкил этади ва бошқаради, марказнинг бошқа ташкилотлар билан ўзаро алоқасини амалга оширади, Марказ фаолиятига тааллукди ҳужжатларга имзо чекади;

- Марказ йигилишларининг утказилиш вақти ва кун тартиби тугрисида карор кабул қиласи;

- Марказ номидан олий таълим муассасалари ёш олимлари талаб ва истакларини химоя қиласи;

- Марказ администратор йилда бир марта килинган ишлар юзасидан кенгаш йигилишида ҳисобот беради;

- Белгиланган мақсад ва вазифалари, иш режасининг амалга оширилиши - умумий фаолияти юзасидан хар ярим йилда факултет Кенгashi йигилишида ҳисобот беради

3.6. Йиллик ҳисобот натижасига асосан Марказ унинг ваколатини тухтатиш ва янги администратор сайлаш хуқуқига эга.

3.7. Раис ваколатини тухтатиш ёки давом эттириш тугрисидаги карор яширин овоз бериш йули билан амалга оширилади, агарда аъзоларнинг камидан учдан бир кисми фаолиятни тухтатиш таклифи билан чикиб, аъзоларнинг камидан учдан икки кисми ёклаб овоз берган холларда.

3.8. Марказ раҳбари хизмат сафари, бетоблиги, таътилда булган вактда унинг вазифасини Марказ раиси уринбосари бажаради.

3.9. Кенгаш раҳбари ва котиби институт томонидан моддий ва маънавий рағбатлантирилади.

#### **IV. МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ**

4.1. Мараказ ўзининг фаолиятида:

- жорий йил учун узининг режаларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди,

уларнинг бажарилиши туғрисидаги ахборотларни тинглайди. Мараказ тадбирлари, илмий анжуманлари, семинарлари режаларини тасдиклайди, тадбирларга тайёргарлик ва ўтказиш жараёни туғрисидаги ахборотларни тинглайди.

- Мараказ ходимлари мунтазам равишда институт проессор-укитувчилари, фанлар йўналиши соҳасининг йирик ташкилотларининг раҳбариюти, тажрибали мутахассисларини маъruzаларини режа асосида ташкиллаштиради.

- Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти Математика ва информатика факультети Информатика кафедраси кошидаги “IT park” илмий тадқиқот маркази фаолиятини мувофиқдаштиради.

- Институт ва республика миқёсидағи ташкил этган танловларга ёшларни жалб этади ва такдим этилаётган лойихаларни мухокама этади.

- Марказ йиғилишларида хорижий илмий-марказлар ва муассасаларда малака оширган ёш мутахассислар ҳамда умумий ўрта таълим тизими малакали педагог ходимларининг ахборогини тинглайди.

- Факультет ёш олимларининг ютуклари ва эришаётган натижалари туғрисидаги маълумотларни оммалаштиради.

- марказ таркибиға ўзгартиришлар киритиш буйича таклифларни кўриб чиқади ва мухокама этади.

## **V. МАРКАЗ АЪЗОЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **5.1 Марказ аъзоси хукуклари:**

- Марказ аъзолари teng хукук ва мажбуриятга эгадирлар ва ушбу хукук ва мажбуриятлардан teng хукуклилик асосида фойдаланадилар.

- Марказ йиғилишида катнашиш, Марказ фаолиятига оид асосланган таклифларни филиал илмий-техник кенгашига киритиш.

### **5.2 Марказ аъзосининг мажбурияти:**

- Марказ фаолиятига тегишли қарор, мажбурият ва топширикларни ўз вактида сифатли бажариш.

- Ихтиёрий равишда уз зиммасига олган Марказ фаолиятига тааллукли бўлган топширик ва мажбуриятларни вижданан, фаол ва ижодий бажариш.

## **VI. КЕНГАШ МАЖБУРНЯТЛАРИ**

6.1 Катта илмий ходим-изланувчилар, мустакил изланувчилар, иктидорли талабалар ва ёш олимлар, умумий ўрта таълим тизми ходимлари илмий-тадқикот ишларини ташкил килиш ва режалаштиришда кумаклашиш, уларга илмий-тадқикотни муваффакиятли амалга оширишлари учун тегишли шароит яратишда ёрдам курсатиш, уларнинг манфаатларини ваколат доирасида химоя килиш.

6.2 Тошкент вилояти Чирчик давлат педагогика институти Аниқ ва табиий фанлар факультети раҳбариятини катта илмий ходим-изланувчи, мустакил изланувчилар ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-тадқикот фаолиятидаги муаммолари тўғрисида ўз вақтида ҳабардор қилиш ҳамда ушбу муаммонинг ечими тўғрисида раҳбариятга таклифлар киритиш.

## **VII. МАРКАЗНИНГ ИШ ТАРТИБИ ВА ХУЖЖАТЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ**

7.1 Марказ ўз ишини Марказ йиғилишида қабул қилинган ва марказ раҳбари томонидан тасдиқланган йиллик режага биноан амалга оширади.

7.2 Марказ мажлислари, йигилишлари ва бошка тадбирлари Маракз раҳбари ва котиби томонидан имзоланган баённома билан расмийлаштирилади.

7.3 Марказ хужжатларини расмийлаштиришни Марказ раҳбари котиби амалга оширади.

7.4 Қабул қилинган қарорлар бажарилишининг назорати Марказ раҳбари томонидан амалга оширилади.

## **VIII. КЕНГАШ НИЗОМИГА УЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ**

8.1. Ушбу Низомга узгартериш ва қўшимчалар институт Кенгашининг умумий Йиғилиши Марказ фаолиятининг қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши институт ректори буйруғига мувофик амалга оширилади.